

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил
18 декабрь,
жума
№ 49 (822)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, 2021 йилда халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва ХХ аср сўнггида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирини туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил бўлади.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустақам иродаси ва матонатини намойён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона энгиб, катта тарқиёт йўлини босиб ўтди.

Ортимиз илгариги иқтисодиёти бир томонлама шаклланган, қоқоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, очик ва демократик давлатга айланди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларимиз натижасида, айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, **"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари"** ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жаҳон миқёсида давом этаётган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инкирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарама-қарши, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустақамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг қўламини ислохотлар, жаҳонимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб

ўтган ривожланиш йўлини сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилган янгилаш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа — Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган савий-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда гоёта муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу кутлуг санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил қилинсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда қуйидаги устувор йўналишларни атрофлича ёритишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда **"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!"** ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқласин:

жамиятда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органларини янада ошириш, коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар;

"Инсон манфаатлари — ҳамма нарсдан устун" ва "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойиллари асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар;

иқтисодиётни либераллаштириш,

иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари, камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси;

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади" тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес юритиш шартларини энгиллаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, хунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилган янги имкониятлар;

"Обод қилшол", "Обод маҳалла", "Беш муҳим ташаббус", "Бир миллион дастурчи" каби ижтимоий лойиҳаларнинг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини тубдан ривожлантириш;

жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ёш қизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун кўмак ва ёрдам бериш, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;

ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб бориш, жумладан, ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, уларни муносиб иш билан таъминлаш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларга тайёрлаш, ёш тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар;

аҳолини турар жой билан таъминлаш, хусусан, намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар;

буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини барпо этиш борасида белгиланган ҳаётимизнинг стратегик вазифалар доирасида миллий ғояни ривожлантириш, жумладан, давлат тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар;

халқимизнинг дунёқараши, сиёсий

онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва фуқаролик институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар;

жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чет эллардаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларининг тубдан яхшиланиши, минтақавий ва халқаро муаммоларни биргаликда ҳал этиш савий-ҳаракатлари;

мамлакатимизда диний-маърифий соҳага берилаётган катта эътибор, хусусан, Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилингани, Ислоҳ цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ҳадис ва калом мактабларини ташкил этиш билан боғлиқ амалий ишлар;

халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Куролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар, жумладан, миллий армияни модернизация қилиш, ҳарбий саноят комплексини яратиш, ҳарбий таълим тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тақомиллаштириш билан боғлиқ улкан ўзгаришлар;

жаҳон миқёсида турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб, экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам савдоси, глобал пандемия каби таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган мезонлар асосида доимо оғоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган муҳим ишлар.

3. Республика комиссияси (А.Н.Арипов): Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ишлари ва Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

жойларда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва баддий кечалар ўтказилишини таъминласин;

(Давоми 2-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАИСЛИГИДА МДҲ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Саммит кун тартибидан МДҲ доирасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг барча йўналишларида, шунингдек, янги хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш соҳасида кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболларини баҳолаш масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ҳамдўстликнинг узоқ муддатли вазифалари борасида Ўзбекистон Республикаси нуктаи назарини тақдим

этиши ва амалий шерикликни кенгайтиришга доир аниқ таклифларни илгаридан суриши кутилмоқда.

Мажлисида делегациялар раҳбарлари МДҲни 2030 йилгача бўлган муддатда янада ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ва уни амалга ошириш режасини кўриб чиқадилар. Ушбу ҳужжатларда ҳамкорликнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги стратегик мақсадлари ва асосий тадбирлари белгиланган.

(Давоми 3-бетда) ►

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригини ойнан жаҳон орқали тингладим. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Яна бир муҳим конституциявий тамойил — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилингани, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими "бир суд — бир инстанция" тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин" деган фикрлари тизимдаги ислохотлар кўлами нечоғли кенг эканлигидан далолат беради.

Оқлов

Ноҳақ айбланган инсон



Албатта, мен бу фикрларни бежизга келтираётганим йўқ. Чунки сўнгги тўрт йилда оқланган ҳамюртларимиз орасида ҳимоям остида бўлган, Фарғона вилояти Данғара туман ҳокими вази-

фасида ишлаган Алижон Азимов ҳам бор. Келинг, аввало, А.Азимовнинг ноҳақ айбланиши тафсилотларига қисқача тўхталиб ўтаск.

(Давоми 4-бетда) ►

"Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради".

Муносабат

Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати

мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланганида яққол намойён бўлмоқда



Ушбу фикрлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида янгради. Бу

ҳақда фикр юритганда, аввало, кечаги ҳафта юртимизда иккита муҳим сана нишонланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 2-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш

Президент Фармони бу борадаги тизимли ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бермоқда

Суд — одил судловнинг олий нуқтаси. Суднинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Айнан шундай ёндашув туфайли бу соҳадаги ишлар кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги даврда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Хусусан, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январда парламентга йўллаган Мурожаатномасида, давлат идоралари мансабдорлари суд мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг



қаттиқ назоратида бўлишини чуқур аглаб олишлари кераклигини таъкидлаганди. Бу фикрлар давлат раҳбарининг ушбу соҳада амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар борасидаги қатъий позициясини яққол кўрсатди.

Президентимиз суд тизими ходимлари билан 2017 йил 13 июнда ўтказилган тарихий уч-

рашувда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳолига эътибор қаратиб, мавжуд муаммолар, ўз ечимини топмаган камчиликларни атрофлича таҳлил қилиб, соҳа истиқболга доир устувор вазифаларни белгилаб берди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг давлат божи ставкасини ҳисоблайдиган электрон калькулятори тизими (calculate.sud.uz)



2018 йилнинг январь ойидан бошлаб, судлар фаолиятига Олий суднинг Интерактив хизматлари порталида (my.sud.uz) жойлаштирилган "Калькулятор" рўқни орқали фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилишда ариза учун тўланиши лозим бўлган давлат божини автоматик равишда ҳисоблайдиган электрон калькулятор ахборот тизими жойлаштирилган.

Ахборот тизимининг имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- судга мурожаат қилишда ариза учун тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдорини аниқлаш;
- давлат божини ҳисоблаш учун суд биносига ташриф буюриши ёки бошқа қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун кетадиган вақтни тежаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК
БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган илмий ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, маком ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Бадий академия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан:

пойтахтимизда **"Истиклол"** мажмуасини ташкил этиш ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо этиш;

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро халқа йўлини **"Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги"** деб номлаш;

"Ўзбекистоннинг янги тарққийёт даври ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш;

ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган "Янги Ўзбекистон" китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш;

2021 йилда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган барча халқаро маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, аждодларимиз юбилей саналарини мустақиллигининг ўттиз йиллиги гоёси ва руҳи билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ташкил этиш;

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари (муסיқа, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ ижодиёти) бўйича республика миқёсида фестивал ва кўргазмаларни ташкил этиш;

юртимиз мустақиллигини тараннун этадиган энг яхши қўшиқ ва муסיқа асарлари ҳамда тарихий ва замонавий қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этиш;

мустақиллик йилларида эришилган илмий ютуқлар асосида яратилган инновацион лойиҳа ва технологиялар кўргазмаларини ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Хукумат қарорини қабул қилсин.

5. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков):

а) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори бадий савияда ўтказиш учун мамлакатимиз ва хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (Р.Д.Қурбанов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) ва Ўзбекистон Республикаси (С.С.Саидов) билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказларини кенг жалб этган

ҳолда байрам тантаналари ва халқ сайилларини ташкил қилсин;

маданият ва истироҳат боғларида шартнома асосида танқили санъат намояндалари, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилишини таъминласин;

кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, Ўзбекистоннинг янги тарққийёт даври пойдеворини яратишга бағишланган публицистик мақолалар ва шеърлардан иборат китобни республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан чоп этсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов) Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков), "Ўзбекино" миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов), Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда хорижий мамлакатларда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларимизни жалб қилган ҳолда "Ўзбекистон куллари"ни ўтказсин ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирларни амалга оширсин.

7. "Ўзбекино" миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маффаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами муносабати билан фильмлар яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил давомида барча туман (шаҳар)лар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, миллий телеканалларда мустақиллик йилларида яратилган энг яхши бадий ва ҳужжатли фильмларнинг кенг намойишини ташкил этсин.

8. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Ўзбекистон Республикаси (С.С.Саидов), Журналистлар ижодий уюмаси (Х.Х.Салимов) ва бошқа маффаатдор ташкилотлар билан биргаликда **"Энг улуг, энг азиз", "Ранглар жилосида — она дийёр", "Ватан учун яшайлик!"** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказилаётган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомилийк хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган ҳаражатлар сметасига муроғат республика бюджетидан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Қўнимов), "Дунё" ахборот агентлиги (С.Л.Суярлов) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу кутлуг саналардан бири — миллий даражадаги умумхалқ байрами, 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунидир. Иккинчиси эса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган сана сифатида бутун дунёда нишонланганидан байрам, яъни 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари кунидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган, қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига тўла мос келади.

Асосий Қонунимизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди ҳамда мамлакатда кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар бошлаб юборилди. Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган туб янгиланишларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгаришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 тадан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномасига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан тегишли шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларини тақдим этиб келмоқда.

Жорий йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси қабул қилингани ва изчил амалга оширилаётгани, айниқса, эътиборга сазовор. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Президентини таъкидлагандек, **"Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортага қайтмайди-ган демократик ислохотлар амалга оширилмоқда"**.

Янгиланаётган Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ислохотларнинг аққол самаларларини, хусусан, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **"бир суд — бир инстанция"** тамойили асосида қайта ташкил этилаётгани мисолида кўриш мумкин.

Айни вақтда суд-ҳуқуқ тизимидаги чуқур ислохотлар доирасида афв институтини қў-

лаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинган, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартirilгани шундан далолатдир.

Конституция куни арафасида Президент Шавкат Мирзиёев "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалмиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади. Фармонга муроғат, жазо ўтаётган ва ту-


мустақиллигининг ўзига хос қафили ҳисобланади.

2020 йил октябрь ойида миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланганда илк бор Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган очиқ ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир улкан ютуғидир.

Шу маънода, мамлакатимиз судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбар хосдимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билим ва малакасини ошириш янада долзарб

Муносабат

Бош Қомусимизнинг хаётбахш қудрати



мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланганда яққол намойён бўлмоқда

залиш йўлига қатъий ўтган яна 104 нафар фуқаро афв этилди.

Шу ўринда 2020 йил 7 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланган "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимини коррупциянинг олдини олиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон тизимдаги ислохотларнинг янги босқичига асос солганини алоҳида қайд этиш мақсада муроғат қилинди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берган вазибаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлайди. Олдин судлов самардорлигини ошириб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари амалда тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳақида сўз борар экан, Марказ томонидан шу йил ноябрь-декабрь ойларида ташкил этилган "Инсон кадрларини, хусусан, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **"бир суд — бир инстанция"** тамойили асосида қайта ташкил этилаётгани мисолида кўриш мумкин.

Айни вақтда суд-ҳуқуқ тизимидаги чуқур ислохотлар доирасида афв институтини қў-

аҳамият касб этмоқда.

Ўқув курсида барча судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар ходимларини икки босқичда ўқитиш кўзда тутилган. Олий суд, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати раҳбар ходимларини махсус ўқув модули машғулотларига жалб этиш режалаштирилган.

Махсус ўқув модули машғулотлари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлари ижроси доирасида ўтказилмоқда. Бу БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси тавсиялари тақозосидир.

Вебинар шаклидаги машғулотлари Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, мигрантлар, одам савдоси ва мажбурий меҳнат жабрдийдаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилиги билан бу борадаги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг ўзаро уйғунлиги қийёсий таҳлил қилинмоқда.

Бунда Ўзбекистон ратификация қилган халқаро-ҳуқуқий шартномалардаги тегишли нормалар судьялар томонидан судлов амалиётида қўлланили-

шнинг аҳамияти, айни соҳадаги билим ва кўникмаларни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бинобарин, Президентимизнинг соҳага доир фармон ва қарорларида назарда тутилган масалалар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ҳам қатор вазибаларни юклайди.

Тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда халқаро стандартлар ва хорижий тажриба кўлланда ўз таклифлари билан қатнашиш ҳамда аҳоли ва экспертлар ҳамжамияти орасида кенг ёритишни таъминлаш билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари соҳасида кадрлар

оғир кунларни бошидан ўтказётган фуқароларимиз, асосан, аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу йил 8 декабрь тонгида Суриядан 98 нафар юртдошимиз — 25 нафар аёл ва 73 нафар бола Тошкентга олиб келингани бу фикрни тасдиқлайди.

Бу эзгу ишлар, бир томондан, халқимизга хос бағрикенглик ва адолатсеварлик фазилятларининг ўзига хос ифодаси бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида амалга ошираётган муҳим ишларга ёрқин мисолдир.

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистонга болалар меҳнати, мажбурий меҳнат ва одам савдоси масалалари бўйича берилган тавсияларни бажариш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Бу ишлар ўзининг самараларини ҳам бермоқда.

Айниқса, аёллар, болалар ва имконияти чекланган шахслар ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг бажарилиши ҳолатлари бўйича мамлакатимизда эътиборга молик амалий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2020 йил 10 мартда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ушбу тавсияларни бажаришга қаратилган.

Айни чоғда "Янги Ўзбекистон — мактаб остонасида бошланади", деган гоё асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда Учинчи Ренессанс — миллий тарққийётнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилиши тайин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, куни кеча АҚШ Давлат департаментининг расмий сайтида эълон қилинган АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг баёнотида Ўзбекистон махсус кузатувдаги мамлакатлар рўйхатидан чиқарилгани маълум қилинди.

Баёнотда бу қисқа муддат ичида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилган тезкор ва мақсадли чора-тадбирларнинг натижаси экани қайд этилган. Шунингдек, махсус рўйхатдан чиқишда Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатларга намуна бўлиб хизмат қилиши ҳам таъкидланган.

Шундай қилиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, **"Янги Ўзбекистон" деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳо-диса сифатида қабул қилинмоқда.**

Мирзатилло ТИЛЛАБОВЕВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари

Жиноятга жазо муқаррар

Оқланмаган

Кейин апрель-сентябрь ойлари давомида пул ўтказиш йўли билан со-тиб олинган 1 миллиард 20 миллион сўмлик юқори ликвидли ва харидор-сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиш-шадиди, савдодан тушган пулларни эса, назорат касса машинасига кири-ми қилмасдан, банк муассасасига топширмасдан шахсий маффаатларига сарфлашади. Бунинг натижада олти ойлик ҳисоботларда товар айланмиси ҳажмини қасддан камайтириб кўрсатиб, 272.266.000 сўмлик қўшилган қиймат солигини тўлашдан бўйин товлашган.

Шундан сўнг 2019 йил 13 июнь куни жиноий гуруҳ раҳбари Риштон туман давлат хизматлари марказидан Исақжон Аширов номига "High Flight Trading Industry" масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказди. Сўнгра июнь-декабрь ойлари мобайнида пул ўтказиш орқали харид қилинган 4 миллиард 320 миллион сўмлик юқори ликвидли ва харидорғир маҳсулотларни нақд пулга сотиб, пулларни назорат касса машинасига кириш қилмай ва банк муассасасига топширмай, шахсий мақсадлари йўлида сарфлайди. Оқибатда давлат солиқ инспекцияси-га топширилган ҳисоботларда савдо ҳажмини камайтириб кўрсатиб, 391

миллион сўм миқдоридидаги қўшилган қиймат солигини қасддан тўлашмай-ди.

Буни қарангки, вақт ўтган сари жиноий гуруҳнинг сафи янада кенга-йиб кетди. Аниқроғи, гуруҳга Мухам-маджон Ҳакимов, Шерзод Усмонов, Абдурашул Ҳакимов, Мирзо Мирзатиллаев, Суннатилло Қурбанов ва Саиджон Мамаатовлар ҳам қўшилишиди. Шунга яраша қасддан тўланмаган солиқлар миқдори ҳам ортаб боради. Айниқса, Ўқтамжон Мирзизов бу бо-рада жонбозлик кўрсатиб, поччаси Н.Ибрагимов ва узоқ қариндоши Ш.Нишоновларни ҳам жиноий қил-мишларига шерик қилади. Жумла-дан, 2019 йил 2 декабрь куни Данга-ра тумани давлат хизматлари мар-казидан Ш.Нишонов раҳбарлигида ташкил этилган "Making Help" масъу-лияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказишди. Бироқ бош-қа субъектлар қатори айни жамият фаолиятига ҳам ўзлари раҳбарлик қилишди. Энг ачинарлиси, ҳамто-воқлар ҳисоботларда декабрь ойида-ги товар айланмиси ҳажмини 41 миллиард 338 миллион сўмга камай-тириб кўрсатиб, 3 миллиард 397 мил-лион сўм миқдоридидаги қўшилган қий-мат солигини тўлашдан қасддан бўй-ин товлашган.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Зеро, судни, том маънода, "Адолат кўргони"га айлантинриш орқали...

Кейинги йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш масаласи алоҳида диққат марказида турибди.

Шу билан бирга, судларда видеоконференция алоқа тизими ишга туширилди.

2020 йилнинг 30 июнь куни Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш борасидаги вазифалар муҳофизатига бағишланган видеоселектор тизимида суд тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича ўз ечимини кутаётган бир қатор муҳим ва долзарб масалалар муҳофизат қилинди.

Президентимиз коррупцияга қарши кураш борасидаги ислохотларнинг кейинги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳақида тўхталди.

Бундан кўзлаган мақсад-муддаомиз битта. Бу ҳам бўлса, судья мустақил бўлса, қонунга сўзсиз бўйсунса, масъулиятни чуқур ҳис қилса, бегараз ва ҳолис бўлсагина адолат ўрнатиларди.

Айни чоғда, 7 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланган "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон тизимдаги ислохотларнинг янги босқичига асос солинди.

Бу ўринда суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини ҳолис баҳолаш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технология-

ларини жорий этиш, очиклик ва шаффоқликни таъминлаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширишга янги ҳуқуқий замин яратилгани ҳақида гап бормоқда.

Фармонга кўра, судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг қуйидаги тўртта асосий йўналиши белгиланди: биринчи йўналиш — судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан

— психологик тест ишлаб чиқарилади. Судья фаолиятининг самардорлигини электрон рейтинг орқали очик ва шаффоқ баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонлар, хусусан, рейтинг дастури амалиётга татиқ этилади.

Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини ҳолис баҳолаш жараёнларининг рақамлаштирилиши бежиз эмас. Бинобарин, жамиятда коррупциянинг олдини олишнинг энг муҳим мезони фаолиятда очиклик ва шаффоқликни таъминлашдир.

Бу ҳақида сўз борганда, Пре-

қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида, судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини аралашганлик ҳолатлари юзасидан Судьялар олий кенгашининг ўрни ва аҳамияти қандай бўлиши зарурлигига алоҳида аҳамият берилган.

Бунда, хусусан, Судьялар олий кенгаши раиси томонидан:

- прокуратура органларига тақдимнома кiritиш;
• судьяларни ҳуқуқни муҳофизатчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиритишга

лсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузиш бўйича ишлар бошланди. Бу ҳам судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларнинг бартараф қилиш ва унга қарши курашиш самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Фармонга кўра, "Ибратли судья" мукофоти, "Суд фахрийси" кўкрак нишонлари жорий қилинмоқда. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини бу тарзда рағбарлантириш орқали юксак ва масъулиятли лавозимга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга эришамиз.

Бу эса, судьялар ўзлари учун эл-юртнинг ҳурматидан ортиқ олий бахт йўқлигини, пенсияга чиққанларидан кейин ҳам эътироф ва эътиборда бўлишларини ҳис этиб хизмат қилишларида муҳим омил ҳисобланади.

Янада содда қилиб айтганда, бундай амалий рағбатлар судьялар одил судловни амалга оширишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатлари муҳофизат қилинишини тўлиқ таъминлашни энг асосий бурчи сифатида билиб, бу ишда фидойилик кўрсатишларига имкон яратди.

Кенгаш ҳузурда жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Судьялар клуби ташкил қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундан кўзлаган мақсад-муддаомиз битта. Бу ҳам бўлса, судья мустақил бўлса, қонунга сўзсиз бўйсунса, масъулиятни чуқур ҳис қилса, бегараз ва ҳолис бўлсагина адолат ўрнатиларди.

Айни чоғда, 7 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланган "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон тизимдаги ислохотларнинг янги босқичига асос солинди.

Бу ўринда суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини ҳолис баҳолаш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технология-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАИСЛИГИДА МДҲ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Учрашув якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинганнинг 75 йиллиги муносабати билан ҳамда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотлар, шунингдек, Хамдўстлик фаолиятининг турли жиҳатларига доир, жумладан, 2021 йилда Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда Ўзбекистон МДҲга раислик қилишдек масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олган эди.

Пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитларга қарамай, мамлакатимизнинг Хамдўстликка раислиги концеп-

цияси тўлиқ ҳажмда амалга оширилди.

Хукумат раҳбарлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, МДҲнинг бошқа устав ва тармок органларининг мажлислари муваффақиятли ўтказилди.

Қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, 2030 йилгача муддатга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт стратегияси, Транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, туризм, спорт ва ёшларга оид сиёсат соҳаларида ҳамкорлик стратегиялари ва бошқалар қабул қилинди.

Умуман, 60 га яқин кўп томонлама тадбир ўтказилди, Хамдўстликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 70 дан зиёд ҳужжат қабул қилинди.

ЎЗА

Мамлакат тараққиёти ҳақида гап кетса, ҳар ким дунёқарашидан келиб чиқиб, бу борадаги талайгина омилларни санайди. Шу аснода, ёшлар таълим-тарбияси ва келажакга эътибор жадал ривожланиш, улкан ютуқлар ва халқ фаровонлигининг асоси эканини ҳеч ким инкор этмайди.

Ўқилиши-қидирлиши

Умрини ҳазон қилган йигит

Ёшлик ҳақида бежиз сўз очмади. Судда навбатдаги жиноят ишида иштирок этган судланувчи навқирон ёшда эди.

Афсуски, у муқаддам беш мартаба ўғирлик қилиб, ўн йилдан ортиқ умрини панжа-ра ортида ўтказган. Қонун тили билан айтганда, хавфли жиноятчи биринчи ўғирлигини 16 ёшида содир этган.

Бу маълумотлар киши эътиборини тортиши тайин. Ҳаёлга қатор-қатор саволлар қуйилиб келади. Ўйлаб кўрайлик, ўтмиши буюк халқнинг не-не улуг фарзандлари

ҳали бола ёшидаёқ доврўғи тилга тушиб, дилларда достон бўлмаган!

Атоқли шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 12 ёшида ёзган байтига устоз шоир Лутғий юксак ва муносив баҳо берган. Бу ҳам бо-боқалон шоиримизнинг обрў-эътибори болалик даврида-ноқ баланд бўлганини кўрсатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тахтага ўтирган даврни эсланг: ушбу улуг бобомиз ҳам 12 ёшида давлат ишларини бошқаришга киришган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўқилиши ва жазо

Қалтис хатонинг аянчли жазоси

айбсиз «айбдор» норасиданинг гарданига тушиди

Ҳаётнинг қатъий қонуниятини бор: нотўғри ташланган ҳар бир қадам, умрнинг ҳар бир лаҳзасига масъулиятсизлик билан қараш ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Бунга ҳаётдан кўнган-кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, яқинда очик сайёр суг мажлисида С.Нажимова (исм-шарифлар ўзгартирилди) билан боғлиқ жиноят иши мазмуни кўриб чиқилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Судланувчи ишайдиган маҳалла биносида ўтказилган суг мажлисида иштирок этганлар аёлнинг ўз фарзандига нисбатан шафқатсизлигини қаттиқ қоралашди.

Ҳўш, аслида қандай воқеа рўй берганди? С.Нажимова аёл боши билан қандай жиноий қилмишга қўл урди?

Бу саволларга жавобан шунини айтиш кераки, судланувчи С.Нажимова 2014 йилнинг 11 ноябрь куни туғилган, во-яга етмаган фарзанди Зулхуморни воёга етмаганлиги, ожиз аҳволда эканини би-ла туриб, 2019 йил август ойи бошидан 2019 йил 25 сентябрь кунига қадар яшаш ҳов-лисида танасининг турли қисмларига қўллари ва ўтмас жисмлар билан уриб, муттасил дўппослаб келган. Ҳовлига уни қамаб қўйиб, уйда бир неча марта ёлғиз ўзини қаровсиз қолдириб кетган.

Газетхон бу гапларни эшитиб, наҳотки, она тўққиз ой юраги остида кўтариб юрган фарзандига ҳам шунчалик зулм ўтказди, деган фикрга бориши мумкин.

Воқеа тафсилотидан хабардор этадиган бўлсак, Сарвиноз Навоий шахридаги қор-хоналарнинг бирида ишлар-ди. Шу ерда у Рауф исмли йигит билан танишиб қолади. Қора қош, қарашлари ўтли

йигит Сарвиноздан хаёлини ўғирлайди. Бугунги сўрасангиз, йигит ҳам қизга бефарқ эмас-ди. Улар учрашиб қолганда, суҳбатга баҳона ахтаришар, иккисининг бир-бирига бе-фарқ эмаслигини четдан қа-раганда ҳам сезиш қийин эмасди. Танишув, кейинги учрашувлар икки ёшани яқинлаштирди. Йигит билан қиз бора-бора ўз эҳтиросларини жийовлай олмади. Сарвиноз ўзининг инъон-ихтиёрини Рауфга буткул топшириб қўйди.

Орадан бир неча ой ўтган, қиз вужудида қандайдир ўз-гарар шўй бераётганини пайқайди, у хомилдор бўлиб қолганди. Тез орада у бу ҳақ-тиб, наҳотки, она тўққиз ой юраги остида кўтариб юрган фарзандига ҳам шунчалик зулм ўтказди, деган фикрга бориши мумкин.

Орадан бир неча кун ўтиб, ана шу оддий ҳақиқат ойдинлашди: Рауф ишдан бўшаб, қаёққадир кетиб қолди. У шу кетганча қорасини кўрсатмади. (Давоми 4-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади



Президент Фармон бу борадаги тизимли ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бермоқда

самарали муҳофизат қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш;

иккинчи йўналиш — судьялик кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда ҳолислик ва шаффоқликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини из-чи жорий қилиш;

учинчи йўналиш — судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш;

тўртинчи йўналиш — судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профес-сионал судьялар корпусини шакллантириш.

Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 февралдан суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Судьялар олий кенгаши ва суд тизими фаолиятида очиклик ва шаффоқликни таъминлаш борасида илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнлари Интернет тармоғи, веб-сайт орқали онлайн тарзда ёритиб борилади.

Судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур

зидентимиз томонидан 2020 йил 3 сентябрда "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу ҳужжат судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали очиклик ва шаффоқликни таъминлаш мақса-дига қаратилган.

Қарор билан 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури ва судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотлари-нинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Натижада амалга оширилаётган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари-ни ҳимоя қилиш учун судга му-ржоат қилишини эркинлашти-риш ва одил судловга эри-шишни ошириш имконини бермоқди.

Келгусида судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳо-лашга кўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқилади. Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашда замонавий технологиялардан фойдалани-ши, ўз навбатида, судьялар корпусини малакали ва ҳалол-лик кадрлар билан тўлдирши-га замин яратди.

Бундан ташқари Фармонда судьяларнинг юридик жавоб-гарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар

тегишли малака хайъатлари розилиги билан йўл қўйиш;

• одил судловни амалга оширишга тўққиз қилмаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиш бориш тартиби ўрнатилаётгани эътиборга сазовор.

Мазлумки, Жиноят кодексининг 236-моддасида тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Келгусида судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини аралашганлик ҳолатлари юзаси-дан бевосита тўғридан-тўғри Кенгаш раиси томонидан прокуратура органларига тақдим-нома киритилиши ва тақдим-номанинг бир ой мuddат ичи-да кўриб чиқилиши белгила-ниши, бир томондан, ички ва ташқи аралашувларнинг олди-ни олишга хизмат қилади.

Иккинчи томондан, бундай оқилона ёндашув тиййиб ту-риш ҳақида қатъий огоҳланти-риш ва бу билан судларнинг мустақиллиги амалда таъмин-ланишига, пировард мақсад бўлган — адолатли суд қарор-лари қабул қилинишига эри-шишга имкон беради.

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизда Судьялар дах-

ИШОНЧ



Бундан ташқари Алишер Турғунбоев "Abdurashid Omad Baraka", "Innovatsion Ideal Trade", "Caravan Real Star", "Concernment" ва "Enterprice Gold" масъулияти чекланган жамиятларининг расмий ва норасмий раҳбарлари билан жиноий тил бириктириб, мазкур жамиятларнинг жами 2 миллиард 737 миллион 400 минг сўм микдордаги солиқ қарзини тўламаслик учун Қўқон туманларо иқтисодий суди томонидан банкрот деб эътироф этилган "Abdurashid Omad Baraka" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2019 йил 18 декабрдаги 1-сонли қўшма умумий йиғилиш қарорини қалбақлаштирган.

Натижада 2019 йил 20 декабрь куни қўриқдаги жамиятларни "Abdurashid Omad Baraka" масъулияти чекланган жамиятига бирлаштиришга эришган. Лекин инспекция бошлиғи бу билан

қаноатланмай, содир этган жиноий қилмишларини хаспўшлаш ва яшириш мақсадида "Permit", "Sales Trusted Business" ҳамда "High Flight Trading Industry" масъулияти чекланган жамиятларини анчадан буён фаолият кўрсатмаётган ва тўловга қобилиятсиз ҳолга келган "Constand Trade Progress" масъулияти чекланган жамиятига бирлаштириб юборган. Кейинчалик Қўқон туманларо иқтисодий судининг 2020 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан эса, ушбу жамиятнинг банкрот деб эътироф этилишига эришган. Бу ҳаракати билан у Данғара туман давлат солиқ инспекцияси манфаатлари-га 2.139.336.000 сўм микдорда зарар етказган.

Қолаверса, жиноий гуруҳ раҳбари ўз жиноятлари изларини йўқотишга тушади. Аниқроғи, 2019 йил 19 декабрдан 2020 йил 12 майга қадар "Diyor Saxovat Ziyov", "Cristall Centr" "Comfort Life City" масъулияти чекланган жамиятларини Қашқадарё вилоя-тининг Яқкабғов ва Китоб туманлари-га, "Karavan Gold Silk" масъулияти чекланган жамиятини Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманига, "Blessed Inter Trade" масъулияти чекланган жамия-тини Хоразм вилояти Шовот тумани-га, "Reliable Trade Centr" масъулияти чекланган жамиятини Кўнғирот туман-

нига ва "Sales Trusted Business" масъулияти чекланган жамиятини Нукус шаҳрига, ундан Данғара туманига, у ердан эса, Шўрчи тумани ҳамда Қо-гон туманига, "Premium Samama", "Sindikar Star" ва "Answer Life" масъу-лияти чекланган жамиятларини Самарқанд шаҳри ҳамда Кўшработ туманига, "Making Help" масъулияти чекланган жамиятини Сарисий туманига, "Vita Prog Systems" масъулияти чекланган жамиятини Жондор туманига, "High Flight Trading Industry" масъулияти чекланган жамиятини Риштон туманидан Данғара туманига, кейин Пскент туманига кўчиртириб юборади. Бу ҳам етмагандек, Алишер Турғунбоев қўл остидаги 4 нафар инспекторга ўзига қарашли масъулияти чекланган жамиятлар хисоб рақамини тўхтатиш ва уларда камерал назорат ўтказиш чораларини кечиктириб ту-риш ҳақида ноқонуний топшириқ бе-ради. Оқибатда ана шу жамиятлар то-монидан жами 6 миллиард 821 миллион сўмлик ягона солиқ ва қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан ҳамда ундирилмасдан қолганишга шарт-шароит яратиб берган.

Мана шу тариқа жиноий гуруҳ 2019 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 июнга қадар 22 та сохта фирмалар орқали 268 миллион сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, 19 миллиард сўм микдордаги солиқларни тўлашдан қас-дан бўйин товлаган. Пировардида А.Турғунбоев ва жиноий гуруҳнинг 14 нафар аъзосига Жиноят кодексининг

бир қатор моддалари билан жиноят иши кўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Фурқат тумани суди томонидан эса, айбдорларга қонуний жазо тайинланди. Қолаверса, суд ҳукмида улар томонидан давлат бюджетига етказилган зарар Фаргона вилоят давлат солиқ бошқармасига ундирилиши белгиланди. Судланувчиларнинг жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят судига ёзган апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан, суд ҳукми ўз-гарисиз қолдирилди.

Шунини алоҳида таъкилаш лозимки, давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисми солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳиссасига тўғри келади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: хизмат вазифаси жисмоний ва юридик шахслардан солиқ ҳамда мажбурий тўловларни давлат бюджетига ундириш, шу орқали давлат манфаатларини ҳимояла-ши шарт бўлган туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи ҳам давлатга, ҳам касбига хийбат қилганини қан-дай тушуниш мумкин?

Хулоса ўрнида қайд этиш кераки, ҳаётда ҳеч бир нарса беиз кетмайди. Айниқса, тубанлик, нафисоворалик каби иллатларга ўз фаолияти давомида йўл қўйган одамлар ҳам қонун олдида жавоб беради, ҳам виждон азобидан азият чекади. Ҳалоллик эса, инсон мартабасини улуғлаб, ҳаётга фаровонлик ва фазл ато этади.

Улуғбек ҚОСИМОВ, Фаргона вилояти прокурори, адлия қатта маслаҳатчиси

